

## БАЙХУА ҚАДИМГИ ХИТОЙ МАНБАЛАРИНИНГ КАЛИТИ СИФАТИДА



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7334372>

**Хасанова Феруза**

Тошкент давлат шарқшунослик университети

“Хитой филологияси” кафедраси доцент в.б.

[khasanovaferuza@inbox.ru](mailto:khasanovaferuza@inbox.ru)

**Аннотация:** Мазкур мақолада қадимги мумтоз хитой тилидаги манба Сима Гуангнинг “Бошқарувга қўмакчи умумий кўзгу - 资治通鉴” тарихий солномасининг байхуага ўғирилган китоби хусусида бўлиб, ушибу асарнинг Хитой жамияти, хитой маданияти, мафкураси ва ички сиёсатида дастурламал сифатида қўлланилиши ҳақида фикр юритилади. Асар тили ҳозирги кунда нафақат хорижликлар учун, балки хитойликлар учун ҳам мураккаб бўлсада, унинг байхуага ўғирилган матни бу масалани анча осонлаштиради. Шу ўринда байхуа тилини қадимги манбаларни ўқишида асосий омил, яъни қадимги мумтоз вэняндаги матнлар мазмунини очиб бершида “калит” сифатида эътироф этишимиз мумкин.

**Калит сўзлар:** Сима Гуанг, “Бошқарувга қўмакчи умумий кўзгу - 资治通鉴”, тарихий солномаси, байхуа Хитой жамияти, хитой маданияти, мафкураси.

**Abstract:** This article is about the Baihua version of Sima Guang's historical annals "The General Mirror to Help Management - zīzhìtōngjiàn", an ancient classical Chinese source. Although the language of the work is difficult not only for foreigners, but also for Chinese people, its Baihua text makes it much easier. At this point, we can recognize the Baihua language as a key factor in reading ancient sources, that is, a "key" in revealing the content of ancient classical Wenyan texts.

**Key words:** Sima Guang, "A common mirror to help management - zīzhìtōngjiàn", historical chronicle, baihua Chinese society, Chinese culture, ideology

Вэнян энг қадими тил ҳисобланади, аммо бу тил муайян қолипда шаклланганлиги билан характерланади. Жамият ҳаётида турли ўзгаришлар юз берса-да, бу ҳолат вэнян тили лексикасида акс этмаган. Байхуа тили эса давр билан ҳамнафас тарзда ўзгариб борган ва сайқалашган. Бу тилни ўша давр ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни акс эттирган оғзаки мулоқот тили сифатида баҳолаш мумкин<sup>1</sup>.

Ўзбек хитойшунослик мактабининг асосчиларидан бири М.Ҳ.Махмудходжаев шундай ёзади: “Вэнян – милоддан аввалги VII-VI асрдан то 1919 йил 4 май ҳаракатигача (ҳаммаси бўлиб 27 аср атрофида) ишлатилган. 文言文 wén yánwén вэнян сўзининг лексик-семантик таҳлилидаги биринчи 文 wén – “ёзма тилда ёзилган мақола” маъносини билдиради. 言 yán – тавсифламоқ; ёзмоқ, акс эттиरмоқ маъносини беради. Охирги 文 wén – асар, мақола каби маъноларни билдиради. 文言文 wén yánwén – бу ёзма тилда мақола ёзмоқ тарзида таржима қилинади. Демак, 文言文 wén yánwén – бу ёзма адабий тилдир”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Akram Karimov, Feruza Khasanova. The Impact of Ancient Chinese on Baihua Language. //The Impact of Ancient Chinese on Baihua Language. INTERNATIONAL JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH AND ANALYSIS ISSN(print): 2643-9840, ISSN(online): 2643-9875 Volume 05 Issue 01 January 2022 DOI: 10.47191/ijmra/v5-i1-11, Impact Factor: 6.072 Page No.- 77-82

<sup>2</sup> Махмудходжаев М.Ҳ., Туратова М.А. Хитой тили тарихий фонологияси. – Тошкент: ТДШИ, 2009. – Б. 46.

Янг Жилин (杨寄林) томонидан вэнян ва байхуа тилларига қуидагича тавсиф берилган: “文言”是与“白话”相对而言的。“文言”是指我国先秦时代（春秋战国时期）的口头语言为基础而形成的一种书面语言。“文言”在当初是脱胎于古口语的，但写法简练精致。后来口语不断变化，而文言文却越来越定型了。

(Қадимги вэнян адабий тили Цин сулоласидан олдинги давр (эр.ав. 770-221 й.) даги хитой сўзлашув тилига асосланган тилдир. Вэнян тили аслида қадимги хитой сўзлашув тили асосида юзага келган, бироқ унинг ёзуви ихчам. Давр ўтиши билан оғзаки мулокот тили бўлган байхуа тили ўзгаришларга дучор бўлган, вэнян тили эса шу шаклида қолган)<sup>3</sup>

Вэнянда ёзилган ва ҳозирги кунгача ўзининг долзарблигини йўқотмай келаётган мумтоз манбалардан бири “Бошқарувга қўмакчи умумий кўзгу - 资治通鉴” асаридир. Асар муаллифи тарихчи Сима Гуанг ушбу солномани ёзишни 1084 йилда бошлайди 19 йил давомида ёзид тугатади. Сўнг унинг шогирдлари томонидан давом эттирилади. Солнома жами 294 ўрам (卷)дан иборат бўлиб, эрамиздан аввалги 403 йилдан эрамизнинг 959 йилигача бўлган даврни камраб олган тарихий-энциклопедик асардир.

Ушу энциклопедик асарда жами 16 сулола бошқаруви даврига оид тарихий факт, йилномалар, амалдорларнинг таржимаи ҳоллари жамланган. “Бошқарувга қўмакчи умумий кўзгу - 资治通鉴”даги 294 (卷) ўрамда Хитой тарихининг 11 даври қамраб олинган. Таъкидлаш жоизки, Сима Гуангнинг “Бошқарувга қўмакчи умумий кўзгу - 资治通鉴” Сима Чянгнинг тарихий солномаларни ёзиш анъанаси давоми сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Бевосита асар тилига тўхталадиган бўлсак, мазкур асар қадимги мумтоз хитой тили – вэнянда ёзилган. Асардаги баён этилган маълумотлар, келтирилган тарихий жараёнлар ҳозирги кунда ҳам бошқарувда қўл келадиган ва дастуриламал сифатида қўлланилиб келишини инобатга олсак, бу асар тили қанчалик тушунарли бўлиши мумкинлиги ҳақида иккиланишимиз табиийдир. Зеро ҳамма ҳам (ҳатто хитойликлар ҳам) қадимги мумтоз вэнян тилидаги матнни ўқиши ва талқин қилиши ўта мушкул вазифадир.

“Бошқарувга қўмакчи умумий кўзгу - 资治通鉴” энциклопедик асари байхуага ҳам ўгирилган. Байхуа тили, асосан, оғзаки мулокот тили бўлган. У турли тарихий даврларда ҳам оғзаки тил шаклига яқин бўлганлиги билан ажralиб туради.

Ўрта асрлар хитой-байхуа тили Сунг ва Юан сулолалари даври оғзаки тили сифатида ҳам юритилади. 唐 Танг даври новеллалари, 宋 Сунг, 元 Юан, 明 Минг, 清 Чинг сулолари даври прозаси, романлари ва бошқа ҳалқичил бадиий асрлар байхуа тилида ёзилган. 宋 Сунг ва 元 Юан сулолаларидан кейинги даврларда қатор илмий ва иш юритиш хужжатлари ҳам шу тилда битилган. Айниқса, Сунг сулоласи даврида байхуа тилида жуда қўплаб турли жанрлардаги асрлар яратилган. Шу бос ушбу давр байхуа тили қўлланишидаги энг фаол давр ҳисобланади<sup>4</sup>.

“Бошқарувга қўмакчи умумий кўзгу - 资治通鉴” энциклопедик асарида қўплаб фразеологик бирликларни учратиш мумкин. Қуидида ушбу асардаги фразеологик бирликларни таҳлилига кўра бир қанча туркумга ажратдик:

**Мардлик ва қўрқоқлик мавзусига оид:**

<sup>3</sup> 杨寄林. 中国中小学生百科全书: 哈尔滨出版社, 1995。54 页。

<sup>4</sup> Feruza Khasanova. The Role Of Baihua In Chinese Linguistics. // The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research. (ISSN–2642-7478). Published: October 31, 2020 | Pages: 97-102. Doi: <https://doi.org/10.37547/tajir/Volume02Issue10-17>

排山倒海 *pái shān dǎo hǎi* тоғларни пайхон қилиб, денгизларни ағдармок, яъни енгилмас маъносини ифодалайди<sup>5</sup>;

卷甲韬戈 *juǎn jiǎ tāo gē* қурол аслаҳани йиғиштириб, жангни тўхтатмоқ;

身先士卒 *shēn xiān shì zú* жангда олдинги қаторларда курашмоқ<sup>6</sup>;

严阵以待 *yánzhènyídài* душманни муносиб қарши олмоқ; жон-жаҳди билан курашмоқ<sup>7</sup>;

望风而逃 *wàng fēng ér táo* қўрқувдан шамол эсган томонга қочмоқ;

仰屋窃叹 *yǎngwūqiètàn* шифтга қараб хўрсинмоқ, яъни заифлигидан хўрсинмоқ;

暗弱无断 *àn ruò wú duàn* заиф ва кучсиз;

**Инсон сифатлари мавзусига оид:**

口蜜腹剑 *kǒumì fùjiàn* тили ширину, ортида ханжари бор, иккиюзламачи маъносида;

老奸巨猾 *lǎojiānjùhuá* айёр, товламачи маъносида;

推诚待物 *tuī chéng dài wù* барча муносабатларда самимий бўлмоқ ва х.к.

Устоз-шогирд мавзусига оид:

公门桃李 *gōng mén táo lǐ* шогирдлар ўрик ва нок мевалари каби кўп, шогирдларнинг кўплиги маъносида

人才辈出 *rén cái bèi chū* ортидан кўпгина шогирдлар қолдирмоқ; устозлардан кейин унинг илмини давом эттиримоқ маъносида ва х.к.

Хозирги кунда вэнян ва байхуа тилларини қиёсий ўрганиш учун жуда қулай манба сифатида ушбу асарнинг вэнянда ва байхуада баробар акс эттирилган нашрлари кенг қўлланилади. Мазкур манба воситасида вэнян ва байхуа тилларининг лексик, грамматик ва стилистик хусусиятларини ўрганиш мумкин.

Байхуа бошқа тиллардан ўзлашган полисиллабик сўзларни ифодалаш билан вэняндан сезиларли даражада фарқ қиласади. Янги ўзлашма сўз асосан оғзаки нутқда яққол акс эттириларди, чунки унинг мазмуний бирлиги бўлиб алоҳида иероглиф эмас, балки бир неча иероглифларнинг бирикуви саналди, улар ўз мажмууда байхуадаги сўзга teng келди. Масалан, агар сўз тўртта бўғиндан иборат бўлса, у ҳолда ёзма тилда ушбу сўз тўртта иероглиф билан берилади ва ҳар бирининг фонетик белгиси сўзни ташкил килувчи бўғиннинг ҳар бирига мос келади<sup>8</sup>.

Қадимги хитой тилида қўлланган бир бўғинли баъзи сўзлар мустақиллик хусусиятини йўқотиб, мураккаб сўз ва сўз бирикмалари ёки тургун бирикмалар таркибида қўлланади. Асарда тилнинг мана шундай имкониятларини намоён қилувчи, унинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи воситаларидан бири фразеологизмлардир.

Фразеологик бирликлар таҳлили шуни кўрсатадики, хитой-байхуа тилида ҳам фразеологик бирликларнинг маъноси улар таркибидаги сўзларга хос лексик маъноларнинг оддий (арифметик) йиғиндиси бўлмай, балки кўчма маънога асосланган яхлит маъно сифатида гавдаланади.

Хитой тилидаги 成语 ченгюй, 惯用语 гуанюнгюй, 歇后语 сиехоуюй типидаги фразеологик бирликлар лексикализацияга учраган, маъноси таркибидаги сўзларнинг маъносидан келиб чиқмайдиган мураккаб бирикмаларни эслатади. Ҳар икки ҳолатда ҳам

<sup>5</sup> 成语大词典。-北京：商务印书馆国际有限公司出版发行。2004.7.第 837 页

<sup>6</sup> Ӯша манба, 1043 бет

<sup>7</sup> Ӯша манба, 1403 бет

<sup>8</sup> Feruza Khasanova. Introduction of baihua in periodicals.// academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10 Issue 11, November 2020.

уларнинг таркибий қисмлари ўз маъно мустақиллигини йўқотади. Шу боис бундай бирликлар бутунлай янги бўлиши ёки мавжуд лексемаларнинг эквиваленти саналадиган бирликлар бўлиши мумкин. Мазкур хulosалар фразеологик бирликларнинг юзага келиши аслида нутқий жараён эканлиги ва уни *фразеологизация* деб аташ мумкинлигини ҳамда бу жараённинг *лексикализация* ҳодисаси билан муштарак томонларга эга эканлигини қайд этиш имконини беради.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)**

1. Akram Karimov, Feruza Khasanova. The Impact of Ancient Chinese on Baihua Language. //The Impact of Ancient Chinese on Baihua Language. INTERNATIONAL JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH AND ANALYSIS ISSN(print): 2643-9840, ISSN(online): 2643-9875 Volume 05 Issue 01 January 2022 DOI: 10.47191/ijmra/v5-i1-11, Impact Factor: 6.072
2. Махмудходжаев М.Х., Туратова М.А. Хитой тили тарихий фонологияси. – Тошкент: ТДШИ, 2009.
3. 杨寄林. 中国中小学生百科全书: 哈尔滨出版社, 1995。
4. Feruza Khasanova. The Role Of Baihua In Chinese Linguistics. // The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research. (ISSN–2642-7478). Published: October 31, 2020 | Pages: 97-102. Doi: <https://doi.org/10.37547/tajir/Volume02Issue10-17>
5. 成语大词典。-北京：商务印书馆国际有限公司出版发行。2004.7.
6. 资治通鉴。司马光。国学经典。吉林文史出版社。2019